

## ЎҚУВЧИ КУН ТАРТИБИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Наргиза Тохировна Авулова

СамДУ Мактабгача ва бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг бўш вақтини оқилона ташкил қилиш, уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишида кун тартибига риоя қилишнинг ижобий жиҳатлари, ўқувчи шахсий ишини ташкил қилишга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи субъектлар ва уларнинг педагогик мажбуриятлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, кун тартиби, гигиеник режим, меъёр, таълим субъектлари, рефлекс, таълим сифати, ўзаро манфаатдорлик, бирдамлик.

### CORRECTLY ORGANIZE THE STUDENT'S AGENDA

#### ABSTRACT

The article analyzes the rational organization of leisure of students in secondary schools, the positive aspects of observing the daily routine in their physical and spiritual development, subjects that directly and indirectly affect the organization of personal work of students and their pedagogical duties.

**Keywords:** globalization, agenda, hygienic regime, norms, subjects of education, reflex, quality of education, mutual interest, solidarity.

### КИРИШ

Дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнлари, миллий чегараларнинг шаффофлашуви, миллий тарбия асосларининг заифлашуви инсоният ҳамжамияти олдида долзарблиги ва қамрови кун сайин ортиб бораётган вазифаларни қўймоқда. Бугунги кунда келажак авлодга замонавий таълим бериш, уларда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш, турли хил шакл ва мазмундаги таҳдид ва хуружлардан сақлаш ҳамда сақланиш кўникмаларини қарор топтиришда ўсиб келаётган ёш авлоднинг бўш вақтини оқилона ташкил қилиш ҳар бир таълим субъектининг муҳим вазифасидир. Мамлакатимиз аҳолисининг 60% дан ошиғи ёшлар бўлиб, уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун



замонавий шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 30 сентябрдаги «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ўсиб келаётган авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш, шу билан бирга ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чоратадбирларни ўз ичига олган бешта муҳим ташаббус амалиётга татбиқ этилди. Қарорга мувофиқ «Баркамол авлод» Республика ва ҳудудий марказлари негизида «Баркамол авлод» болалар мактаблари ташкил этилди. Мазкур мактабларнинг асосий вазифаси болаларнинг эҳтиёж ва қизиқишига кўра уларнинг ижодий, бадиий қобилиятини ривожлантириш, фойдали дам олишини ташкил этиш, меҳнатсеварликни, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув кўникмаларини сингдиришдан иборат этиб белгиланди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг шахсий ишини ташкил қилиш бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қиладиган бўлсак, маҳаллий тадқиқотчилардан О.Мусурмонова [2] мактаб ўқувчиларида юксак ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, Н.М.Кошанова [6] умумтаълим мактабларида ўқувчиларни дарсдан ташқари фан тўғрақларига мақсадли жалб қилишда синф раҳбарларининг ўрни ва роли, С.А.Тоштемирова [3] ўқувчиларнинг қобилиятларини эрта аниқлашда кластер ёндашуви имкониятлари, ўқувчиларнинг бўш вақтини унумли ташкил қилиш жараёнида таълим субъектларининг касбий компетенциявийлигини ошириш бўйича самарали илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар.

МДҲ олимларидан В.А.Сухомлинский [4], Г.И.Куценко, И.Ф.Кононов [5], В.Р.Ясницкая [7]ларнинг илмий изланишларида бола тарбиясининг нозик жиҳатлари, юқори синф ўқувчиларининг бўш вақтларини самарали ташкил қилиш масалалари тадқиқ қилинган.

Ўтмишга назар ташлар эканмиз, ота-боболаримиз фарзандларини меҳнатда тоблашга, бирон касб эгаси бўлишига, ҳаётнинг паст-баланд жиҳатларини тушунишлари учун уларни бўш вақтларини унумли ташкил қилинишига жиддий эътибор қаратганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳозирги кунда ахборот глобаллашуви тезкор давом этаётган даврда ўсиб келаётган ёш авлоднинг аксарияти

муносиб билим олиш, касб ўрганиш ёки бошқа фойдали юмуш билан шуғулланишдан кўра интернет тизимида бесамар вақт ўтказётганлиги, бўш вақтини беҳуда сарфлаётганлигини кўришимиз мумкин. Интернет тизими орқали ёшига мос бўлмаган ахборотларни олиши, бир томондан, уларнинг болаларча беғуборлигига путур етказётган бўлса, иккинчи томондан, бўш вақтининг бесамар ўтишига сабаб бўлмоқда. Ўқувчининг бўш вақти, яъни шахсий ишини ташкил қилиш жараёнида махсус тартибга, режимга риоя қилиш уларни турли мазмундаги таҳдидлардан ҳимоя қилишда асосий омиллардан ҳисобланади.

Ўқувчи шахсий ишини тўғри режалаштириш нафақат бола учун, балки бутун оила учун қатъий ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Буюк рус педагоги **Макаренко** агар тарбиячи ўзи намуна бўлмаса, тарбиядан кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини таъкидлаган эди. Ҳақиқатдан ҳам ота-оналар боланинг вақтида ухлаши, овқатланиши, дарс қилиши, спорт билан шуғулланишини талаб қилар экан, ўзлари режимга риоя қилмаса, шахсий намуна бўла олмаса, кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Ота-оналар боланинг бўш вақтларини қандай ташкил қилиш кераклигини, дарс қилишнинг вақти ва давомийлиги, баъзи уй юмушларини қилиш, спорт билан шуғулланишини боланинг ёш хусусиятларига мос равишда бўлишини таъминлаши ҳамда керакли билим ва тажрибаларга эга бўлиши лозим. Бунда гигиеник режим боланинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, турмуши ва шароитига қараб белгиланади[8].

Болада уйқунинг нормал ҳолатда бўлмаслиги уларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатса, доимий ўқув курсларига бериш болада ўйинга, дам олишга вақтнинг камлиги уларнинг руҳий зўриқиши, чарчаши ва қизиқишларининг пасайишига сабаб бўлиши ҳолати юз беради. Таълим ва тарбияда сифат кўрсаткичларига эришишда меъёрга риоя қилиш муҳум ва зарур. Режимнинг инсон фаолиятига яхши таъсир қилиши унинг физиологик асоси билан изоҳланади. Бош мия ярим шарлари пўстлоғида, болалик ва ўсмирлик йилларида турли-туман янги вақтинчалик аломатларни ҳосил қилади. Булар рефлекслар бўлиб, вақт ўтиши билан мустаҳкамланиб боради. Мана шу рефлекслар инсонга ижобий таъсир кўрсатиш баробарида салбий оқибатларни ҳам намоён қилади. Жумладан, тартибсиз бевақт овқат ейиш, пала-партишлик, турли вақтларда ушлашга ётиш овқат ҳазм қилиш тизимининг бузулишига, нерв системаси нормал фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. Фаолиятнинг турли шакллари мунтазам равишда алмаштириб туриш боланинг ақлий ва ҳаракат юкламаси



алмашиши учун зарур имконият яратади ва инсон организмнинг дам олиш режимини тартибга солади. Болалар аста-секин режимнинг айрим тартибларини ўзгартиришга ўрганадилар ва одат бўлиб қолган тартибли ҳаёт боланинг хулқи ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада, боланинг иш қобияти ошади.

## НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Ўқувчининг дарсдан ташқари шахсий ишининг тўғри ташкил қилиниши уларнинг жисмоний жиҳатдан нормал ҳолатда ўсишини таъминлабгина қолмай, балки уларда интизомлилик, уюшқоқлик, ўз истак ва талабларини ҳаёт талабларига бўйсундириш каби зарурий сифатларни тарбиялашга ёрдам беради. Бола учун режим элементлари одатга айланганида алмаштириш, яъни бир қизиқарли ишни иккинчини бошлашга тўғри келганда ҳам салбий ҳиссиётларни юзага келтирмайди. Жумладан соат кечки 20:00 да ухлашга одатланган бола қизиқарли ўйин ўйнаб ўтирган ҳолатида ухлашга чақирилса у ҳеч қандай инжиқликсиз ухлашга ётади. Аксарият ота-оналар фарзандлари юқори синфга ўтганларида уларнинг дарсдан ташқари шахсий иши ва кундалик тартибни назорат қилмай қўядилар ва уларнинг тарбияланганлигига юқори баҳо бериб юборадилар. Кўпчилик байрам кунларида кундалик одатий тартиб-қоидаларга риоя қилмайди, ваҳоланки режим, кундалик тартиб ҳатто байрам кунларида ҳам қатъий бўлиши лозимлигини кўплаб педагоглар таъкидлаб ўтадилар. Мамлакатимизда аксарият мактабларда ўқиш икки сменада ташкил қилинганлиги ўз навбатида эрталабки ва кечки сменадаги ўқувчиларнинг режимида фарқ бўлишини таъминлайди.

Биз тадқиқотларимизда ўқувчининг шахсий ишига билвосита ва бевосита таъсир қилувчи субъектларларни аниқлаштирдик. Булар қуйидагилар:

1. Билвосита таъсир қилувчи субъектлар:
  - маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари;
  - мактаб психологи ва ҳ.з.
2. Бевосита таъсир қилувчи субъектлар:
  - ота-оналар;
  - синф раҳбарлари;
  - фан ўқитувчилари;
  - қўшимча таълим ўқитувчилари;
  - маҳалла;

- маданий-маърифий ва бошқа ижтимоий ташкилотлар ва ҳ.з.

Мактаб ёшидаги болалар саломатлигининг ёмонлашуви нафақат иқтисодий ва экологик муаммолар, балки аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган тарбиявий, жисмоний ва дам олиш ишларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги билан ҳам боғлиқ. Замонавий бошланғич мактабнинг ўқув жараёни кичик ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги ғамхўрликни четга суриб, интеллектуал қобилиятларни ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Болалар фаолиятининг турли шаклларида мувозанатнинг йўқлиги, ўқув жараёни режимининг бузилиши, унинг кичик ёшдаги ўқувчиларнинг имкониятлари ва тайёргарлик даражасига мос келмаслиги уларнинг соғлиғи ва фаолиятига салбий таъсир қилади. Болалар ва ўсмирларнинг соғлиғини ёмонлаштирадиган хавфли омилларига қуйидагилар киради:

- ёмон одатлар;
- сифатсиз, тартибсиз ва мувозанатсиз овқатланиш;
- тартибсиз кун тартиби;
- машғулотларнинг ҳаддан ташқари юкланиши ва гиподинамия;
- кундалик ҳаётда турли хил фаолият турларининг (таълим, ўйин ва меҳнат) мантиқсиз алмашинуви ва ҳ.з.

Мамлакатимизда ота-оналарининг кўпчилик қисмида тарбиявий салоҳияти етишмаслиги сабабли мактаб ёшидаги болаларда бўш вақтини мазмунли шакллантиришга ва соғлом турмуш тарзига ижобий муносабат етарли даражада шаклланмаган. Боланинг жисмоний ва руҳий саломатлиги асослари, соғлом турмуш тарзини олиб боришнинг дастлабки кўникмалари болалик ва ўсмирлик даврида шаклланади. Бинобарин, соғлом турмуш тарзига ўргатиш, соғлиқка онгли, маъсулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзини тарбиялаш болаликдан бошланиши керак ва юқори синф ўқувчилари учун ҳам қатъий ўрнатилиши зарур. Боланинг шахсий иши тартибланган ва маълум таълимий мақсадга қаратилган бўлиши лозим.

## ХУЛОСА

Умуман, ҳар бир таълим субъекти ҳоҳ у ота-она, ўқитувчи, маҳалла ёки қўшимча таълим ўқитувчиси бўлсин, уларнинг мақсади ягона, яъни руҳан ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш ҳисобланар экан, ушбу юксак ва шарафли мақсадни амалга



оширишда масъулият ва бирдамлик, ўзаро манфаатдорлик ҳисси шакклантирилмаса, кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Бу эса ўқувчи шахсий ишини ташкил қилиш ва бошқариш долзарб педагогик муаммолардан бири эканлигини кўрсатади. Мазкур муаммога илмий нуқтаи назардан ёндашиш ва унинг белгилари, хусусиятлари, шакл ва мазмуни борасида асосли илмий хулоса ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кун педагогикасида зарурат сифатида майдонга чиқмоқда.

## REFERENCES

1. «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 2019 йил 30 сентябрдаги президент қарори. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. О.Мусурмонова. Юқори синф ўқувчиларининг маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари // пед. доктори дисс. Т-1993. -Б.364.
3. С.А. Тоштемирова. Кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш. // дисс. педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD). Чирчиқ-2021. Б.-160.
4. В.А. Сухомлинский. Как воспитывать настоящего человека. - Киев. 1975. - С.235.
5. Г.И. Куценко, И.Ф. Кононов. Режим дня школьника. Москва. Медицина. 1987. - С.108.
6. Н.М. Кошанова. Умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари фаолиятини ривожлантириш механизмлари // дисс. педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD). Чирчиқ-2022. Б.-160.
7. Ясницкая, В.Р. Как сделать класс классным: воспитание подростков Текст. / В.Р. Ясницкая. - М.: Просвещение, 2008. - 223 с.
8. О.Н. Урбанская. Мактаб ўқувчисининг уйдаги режими. Медицина нашриёти. Т.: 1974. - Б.7.